



86

Қ А Р О Р

2005 йил «10» сентябр

№ 359-К

Гулбоғ маҳалласида жойлашган автобекат ва савдо дуконини қайта қуришга рухсат бериш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги ПК-62 сонли «Шаҳарларда йул қурилишини такомиллаштириш борасидаги қушимча чора-тадбирлари тағрисида»-ги қарори асосида тасдиқланган доимий ишловчи туман комиссиясининг 2005 йил 21-июлдаги 1-сонли баёни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексининг 105 моддасига асосан фуқаролар Васлиддинов Аслиддин ва Зияев Шарифларнинг узаро қилинган - лиги ҳақида туман ҳокимлигида ёзган аризаларига асосан

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Самарқанд туман ҳокимининг 1995 йил 17 октябрдаги 404-3-К-сонли қарори асосида фуқаро Васлиддинов Аслиддинга Гулбоғ маҳалласида шахсий савдо дукон ва автобекат қуриш учун ажратилган 62 м.кв. ер майдонда қурилиш ишларини охирига етказилмаганлиги сабабли ушбу қарор бекор қилинсин.

2. Самарқанд жамоа ҳужалиги Гулбоғ маҳалласида яшовчи фуқаро Зияев Шарифга қурилиши тугатилмаган автобекат ва савдо дуконга замонавий лойиҳа ҳужжатлари тайерлаб, қисқа муддатда лойиҳа асосида қайта қуришга рухсат берилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ф.Раджабов зиммасига юклатилсин.

Самарқанд туман ҳокими :  Б.Садуллаев